
МАРҒИЛОН ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУД БЎЛАДИ

Марғилон шаҳрида камбағалликни қисқартириш, ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича вилоят ишчи гуруҳи билан биргаликда маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари ҳамда ижтимоий ходимлар иштирокида амалий семинар бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи давомида Марғилон шаҳрини ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда кеча Президент Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифаларга эътибор қаратди.

Марғилон шаҳрини ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида ишчи гуруҳлар бириктирилди, барча маҳаллалардаги хонадонлар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, Марғилонни бой тажрибаси, имкониятлари, тадбиркорлик фаолияти ривожланганини ҳисобга олиб, йил якунигача ишсизликни бартараф қилиш ва камбағалликни энг қуйи даражага тушириш бўйича амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-12 17:49:50